

## Шаъбон ойи рўзаси



22:40 / 05.03.2022 3181

Оиша розияллоху анҳо: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалам рўза тутсалар, энди (бу ой охиригача) рўзаларини очмас эканлар, деб ўйлаб қолардик, рўза тутмай юрсалар, энди тутмас эканлар, деган ҳаёлга борардик. Рамазондан бошқа бирор ойда тўлиқ рўза тутганларини билмайман, Шаъбон ойида эса бошқа ойлардан кўра кўп рўза тутганларининг гувоҳи бўлганман», дер эдилар.

(Бухорий ва Муслим ривояти)

Ибн Аббос розияллоху анху ривоятларида: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалам Рамазондан бошқа ойда тўлиқ рўза тутмаганлар», дейилади.

(Бухорий ва Муслим ривояти).

Усома ибн Зайд розияллоху анху ривоят қиладилар: «Бир куни мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга шундай савол бердим: «Ё Расулаллоҳ, мен (Рамазондан ташқари) биронта ойда Шаъбондагидек рўза тутганингизни кўрмадим?» Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: «Бу шундай ойки, одамлар Ражаб билан Рамазон ўртасида ундан ғафлатда қолишади. Бу ойда амаллар оламлар Ҳожасига кўтарилади. Шундай экан, мен амалимни ўзим рўзадор ҳолимда кўтарилишини яхши кўраман», - дедилар.

(Насоий ривояти).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: «Қачонки Шаъбон ойининг ярми ўтса, рўза тутманглар!» (Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ривоятлари).

Уламолар ушбу ҳадиснинг шарҳида: "Бу ерда Шаъбон ойини тўлиқ рўза тутиш билан ўтказмасликка таъкид борлиги, аммо баъзи инсонларнинг душанба ва пайшанба, ёки ҳар (Ҳижрий) ойнинг 13-14-15 кунларида тутадиган одатий (нафл) рўзалари бўлса, Шаъбон ойининг ярмидан кейин ҳам уларнинг рўза тутишларида ҳеч қандай монелик йўқ. Чунки, Пайғамбаримиз алайҳиссалом бошқа бир ҳадисларида: «Рамазондан бир ёки икки кун аввал рўза тутманглар. Бироқ, бир киши (нафл) рўза(ларини) тутаетган бўлса, тутаверсин», - деганлар", - деб айтишади".

(Бухорий ва Муслим ривояти)

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: (Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам) Шаъбон ойини жуда ҳам кам (ҳолатларда) рўзасиз ўтказардилар» . (Бухорий ва Муслим ривояти).